



Халқ сўзи

Ўзбекистон –
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2018 йил 2 август, № 158 (7116)

Пайшанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ЕВРОПА ТИКЛАНИШ ВА ТАРАҚҚИЁТ БАНКИ ПРЕЗИДЕНТИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 1 август куни Европа тикланиш ва тараққиёт банки президенти Сума Чакрабартини қабул қилди.



Давлатимиз раҳбари меҳмонни қутлар экан, Ўзбекистон билан ЕТТБ ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорлик юқори суръатларда ривожланиб бораётганини чуқур мамнуният билан қайд этди.

Ўтган йил март ойида Тошкентда бўлиб ўтган учрашувдан кейин томонлар биргаликда кенг қўламли ишларни амалга ошириб, дастлабки аниқ натижаларга эришдилар.

Бу даврда банк томонидан мамлакатимизда тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилган лойиҳаларни молиялаштириш учун умумий қиймати 190 миллион доллардан зиёд кредит маблағлари ажратилди.

Бугунги кунда қишлоқ инфратузилмасини ривожлантириш ва уй-жой қуриш, энергетика тармоғи ҳамда коммунал хўжалик объектларини модернизация қилиш, бизнесни қўллаб-қувватлаш ва бошқа йўналишларда умумий қиймати 1 миллиард доллардан ортиқ истiqболли лойиҳалар

кўриб чиқилмоқда. Шундан қиймати 600 миллион долларгача бўлган лойиҳаларни яқин ойлarda маъқуллаш режалаштирилмоқда.

Жорий йил сентябрь ойида қабул қилиниши мўлжалланган ЕТТБнинг Ўзбекистон билан ҳамкорлик стратегиясини ишлаб чиқиш ишлари якунига етмоқда.

Бундан ташқари, ўтган йил ноябрь ойида банкнинг Тошкентдаги ваколатхонаси ўз фаолиятини тиклади, мамлакатимиз ҳудудларида унинг филиалларини ташкил этиш кўзда тутилган.

ЕТТБ экспертлари мамлакатимизда хорижий молиявий институтлар иштирокидаги инвестиция лойиҳаларини тайёрлаш ва ҳаётга татбиқ этиш самарадорлигини оширишга қаратилган янги тартибни ишлаб чиқишда фаол қатнашди.

Шунингдек, Ўзбекистонда энергетика секторини ислоҳ қилиш ва қайта тикландиган энергетикани ривожлантириш бўйи-

ча узоқ муддатли дастур ишлаб чиқиш бoрасида биргаликда иш олиб борилмоқда.

Учрашувда ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада кенгайтириш, аввало, асосий тармоқлардаги ислохотларни қўллаб-қувватлаш ва уларнинг стратегиясини ишлаб чиқиш, корхоналарни хусусийлаштиришга тайёрлаш, давлат-хусусий шериклик механизмларини жорий этиш, ҳудудларни комплекс ривожлантириш, шунингдек, мамлакатимиз иқтисодиётига хусусий инвестицияларни жалб этишга қаратилган янги дастур ва лойиҳалар билан бойитиш масалалари муҳокама қилинди.

Сума Чакрабарти Ўзбекистонда давлат ва жамият қурилиши соҳасида янги босқичда амалга оширилаётган, мамлакатнинг барқарор ривожланишини таъминлаш, аҳоли турмуш даражаси ва сифатини оширишга, шунингдек, Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги нуфузи юксалишига хизмат қилаётган ислохот ва ўзгаришларни,

иқтисодиётдаги либераллаштириш жараёнларини юқори баҳолади.

ЕТТБ раҳбари Ўзбекистон Президентининг ўзаро манфаатли ва самарали минтақавий ҳамкорлики мустаҳкамлаш, Марказий Осиёда тинчлик, барқарорлик ва тараққиётни таъминлашга қаратилган ташаббуслари муҳим аҳамиятга эга эканини таъкидлаб, уларни қатъий қўллаб-қувватлашни билдирди.

Давлатимиз раҳбарига самимий қабул учун чуқур миннатдорлик изҳор қилиб, мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли янгиланишларни қўллаб-қувватлаш ва минтақавий ҳамкорликини мустаҳкамлаш мақсадида банкнинг Ўзбекистон билан шериклигини янада кенгайтиришга тайёр эканини таъкидлади.

Ў.А.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Матбуот хизмати суратлари.

Сума ЧАКРАБАРТИ:

ҚЎШМА ЛОЙИҲАЛАР ЮКСАК САМАРА БЕРИШИГА ИШОНАМИЗ

Ўзбекистон билан Европа тикланиш ва тараққиёт банки (ЕТТБ) ўртасидаги ҳамкорлик муваффақиятли ривожланимоқда. Бу ҳақда ЕТТБ президенти Сума Чакрабарти Ў.А. мухбирига қуйидагиларни сўзлаб берди:

— Сўнгги бир ярим йилда ЕТТБ ва Ўзбекистон ҳамкорлигида янги саҳифа очилди.

Ўтган йил март ойида мамлакатингизга илк таширифим чоғида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, банк-молия секторини қўллаб-қувватлаш, қишлоқ инфратузилмаси ва энергетика тармоғини модернизация қилиш, шунингдек, иқтисодиётнинг етакчи тармоқларида замонавий ишлаб чиқариш қувватларини ташкил этиш ва бошқа соҳалардаги истiqболли ҳамкорлик йўналишлари белгилаб олинган эди.

Бугун Президент Шавкат Мирзиёев билан бу борадаги кенг миқёсli дастур ва лойиҳаларни амалга ошириш ва ўзаро манфаатли шерикликни янада кенгайтириш масалаларини муҳокама этдик. Мулоқот чоғида мамлакатингиз ҳудудида қўшма лойиҳаларни амалга оширишнинг аниқ йўналишлари юзасидан фикр алмашилди. Жумладан, банк-молия тизими, коммунал соҳани ривожлантириш, энергетика

тармоғини модернизация қилиш, иқтисодиётга хусусий инвестициялар жалб этиш, шунингдек, давлат-хусусий шериклик механизмларини жорий қилиш масалаларини кўриб чиқдик.

Мамлакатингизга инвестициялар жалб қилиш ҳамкорлигининг муҳим соҳасидир. Ўзбекистонда давлат ва жамият қурилиши соҳасидаги ислохотларни янада жадаллаштириш, иқтисодиётни эркинлаштириш, хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш борасида кенг қамровли ўзгаришлар амалга оширилаётгани, хорижий инвестициялар жалб қилишнинг самарали механизмлари татбиқ этилаётгани халқаро банк-молия муассасаларини юртингиз билан фаол ҳамкорлик қилишга чорламоқда. Ўйлаймизки, Ўзбекистон иқтисодиёти ва ҳудудларини изчил ривожлантиришда қўшма лойиҳаларимиз ўзининг юксак самарасини беради.

Ў.А. мухбири
М. ЭЛМУРДОВ
ёзиб олди.

АДАБИЁТ АТОМДАН КУЧЛИ

Чунки у маънавиятнинг поклиги, маърифатнинг эзгулиги, инсон қалбининг чироғи
ҳамиша порлаб туриши, ҳаётга муҳаббат туйғусини юксалтиришга хизмат қилади.

Бугун вақт шиддати, ўзгаришлар қўламяю янгиланишларнинг суръати, моҳияти шу қадар шитоб ва салобат касб этганки, одамзод қалби, онг ҳамда тафаккури ҳар лаҳза, ҳар соатда — кунма-кун, ойма-ой ўзгариб борапти. Ота-боболаримиз орзу қилган, инсон зотиға эътибору эъзоз юксалган, Ватан тақдирига, тараққиётга дахлдорлик жўшқин паллага кирган буюк давр бошланди. Уйингиздаги хушхабар кўчага чиқсангиз — эскирган, кечаги ночор-харобазор қишлоқ ё анҳор қирғоқлари ўрнида қокиллари эндигина ювилган кўркам келинчақдек янги бир манзаранинг гувоҳи бўлиб турибсиз.

ЭЪТИБОР

Улуғларимиз замон — бекорчиларнинг энг ёмон душмани, деб айтган экан. Одам болалари тўғри хулосалар чиқариб яшамоғи учун умр айёмининг ўтиши панду насиҳатга ҳам қиёс этилган. Замоннинг эгаси Парвардигордир, дейилади муҳаддис ва аллома Ҳаким Термизий келтирган ҳадисларда. Халқ ва Давлатнинг мустаҳкам, муҳташам биноларини бунёд этмоқ эса ҳар даврнинг ўз Раҳнамосига буюрилади. Ҳазрат Навоий лутф қилганларидек:

Ғараз ул эрдиким, бу қасри олий,
Ки ҳаргиз бўлмагай, ё Раб, заволи.
Биноедурки шах бунёд қилмиш,
Замона қасридек обод қилмиш.

Улуғ бобокалонимиз ҳаётлик пайтида тартиб берган, 1486 йилда битилган “Бадойиъ ул-бидоя” девонининг “Дебона”-сидан олинган бу сатрларни бугунги кунга мўқоса қилсак, оралиқдаги салкам 550 йиллик масофа ғойиб бўлиб, ижод

ахлини нафис анжуман аро кўраимиз.

Тарих: XXI аср. 2017 йилнинг 3 август санаси. Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон ижодкор зйёлилари вакиллари билан ўтказган учрашуви, ундаги кенг қамровли дастурий маърузасига ҳам роппа-роса бир йил тўлди.

Ушанда оммавий ахборот воситалари, интернет тармоқлари “самимий ва очик мулоқот руҳида ўтган йилғили” дея беозоргила хабар тарқатганига қарамай, аслида ижод қавмига аталган “нафис мажлис” давлат раҳбарининг қатъий қиёфаси ва сиёсатиға мос тарзда анчайин жиддий ҳамда кескин кечган эди.

— Биз ҳаммамиз бир-биримизни яхши биламиз, — деганди Президент тарихий ва ҳаяжонли лаҳзаларда анжуман ахлиға муурожаат қиларкан, — машхур бир қўшиқда айтилгандек, “ўртада бегона йўқ”. Шу сабабли ҳам бугунги учрашувимизни, агар сизлар

рози бўлсаларингиз, мана шундай самимий ва очик мулоқот тарзиде ўтказсак, маданиятимиз ва санъатимизнинг ривожланиш жараёнларини холисона баҳолаб, бу борада ўз ечимини кутаётган долзарб муаммолар ва уларни бар-тараф этиш ҳақида атрофича фикрлашиб, бамаслаҳат бир қарорга келсак, айна муддао бўларди.

Табиийки, давлат раҳбарининг асосий саволлари, умид ва ишончлари санъат ахлиға, адабиёт ахлиға қаратилгани билан ҳам ғоят муҳим ва қадрли эди. Зим-зиё асрларда маънавият оламини мунаввар этган буюк сиймолардан тортиб, мустабид тузумлар искан-жасида таъкиб-таъйиқлардан чўчимай, ҳаммиса ҳақ сўзни айтган, ўлмас асарлар яратган миллатларвар, маърифат-парвар адилбаримизгача Президент маърузаси давомида ўрнида келтирилган ҳаётий, шу билан бирга, ҳаққоний иқтибослару диллилар барчамизни бир-даниға сергаклантиргани, кўнглимизни ағдар-тўнтар қилгани бор гап.

“...Адабиёт ва санъатга, маданиятга эътибор — бу аввало халқимизга эътибор, келажагимизга эътибор эканини, буюк шоиримиз Чўлпон айтганидек, адабиёт, маданият яшаса, миллат яшаши мумкинлигини унуттишга бизнинг асло ҳаққимиз йўқ”.



3

ЖИНОЯТ ҲАҚИҚАТИ ВА АДОЛАТ



Ёшларни назоратсиз қолдиришнинг оқибати оғир бўлади

“Фарзандингиз кун бўйи қаердалиги, нима иш билан машғул эканини назорат қиласизми?” Ушбу савол билан муурожаат қилинган ота-оналарнинг аксарияти “Хар куни эмас, лекин сўраб тураман”, дея жавоб берди.

Афсуски, мазкур масалага деярли эътибор бермайдиганлар ҳам орамизда бор экан. Зеро, ота-она ўғити, на-сихати ва тўғри тарбияси хар қандай чорадан устунроқ

эканлиги ўзининг ҳаётий иш-ботини топан.

Жиноят ишлари бўйича Сирдарё вилояти судининг маълумотиға кўра, жорий йилнинг биринчи ярмида ҳудуд бўйича 136 та фириб-гарлик ҳамда 56 та ўғрилик

билан боғлиқ жиноят ишлари қўрилган. Бундай жиноятларға қўл урганлар орасида ёшлар ҳам кўпчиликни ташкил этиши та-ассуфланарлидир.



4

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг
ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ИНВЕСТИЦИЯ МУҲИТИНИ ТУБДАН ЯХШИЛАШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Таъкидлаш лозимки, мамлакатда тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб этиш энг қулай инвестиция муҳитини шакллантириш мақсадида иқтисодиётни либераллаштириш, давлат бошқарувини ислоҳ қилиш, тадбиркорлик субъектлари фаолиятиға аралашувни чеклаш, лицензиялаш ва рухсат бериш тартиб-таомилларини қисқартириш ва соддалаштириш, товарлар (ишлар ва хизматлар)дан эркин фойдаланишни таъминлаш, шунингдек, ҳудудларда зарур инфратузилмани яратиш борасида кенг қўламли чора-тадбирлар амалга оширилди.

Солиқ юкини камайтириш ва инвесторлар учун солиққа тортиш тизимини соддалаштириш, соғлом рақобат муҳитини қўллаб-қувватлашга қаратилган солиқ сиёсати ва божхона-тариф жиҳатдан тартибға солиш ислохотлари жадал суръатлар билан амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, инвесторлар билан ишлашда, айниқса, жойларда инвесторларнинг ташаббуслари барча даражадаги ҳокимликлар томонидан лозим даражада қўллаб-қувватланмаслиги, бу борада вазирлик ва идоралар фаолияти аниқ мувофиқлаштирилмаганлиги билан боғлиқ бюрократик тўсиқ ва ғовлар ҳали ҳам мавжудлиги қулай инвестиция муҳитини шакллантириш бўйича давлат сиёсатининг изчиллигиға бўлган ишончнинг мустаҳкамланишиға тўсқинлик қилмоқда.

Мамлакатда инвестиция муҳитини янада яхшилаш, тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш, инвесторларнинг бу борадаги давлат сиёсатининг изчиллигиға бўлган ишончини мустаҳкамлаш ва инвесторлар билан ишлашда давлат тузилмаларининг масъулиятини ошириш мақсадида:

(Давоми 2-бетда). >>>

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг
ҚАРОРИ

МАДАНИЯТ ВА САНЪАТ СОҲАСИДА ДАВЛАТ-ХУСУСИЙ ШЕРИКЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ УЧУН ШАРТ-ШАРОИТЛАР ЯРАТИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Сўнгги йилларда маданият ва санъат соҳасини тубдан ислоҳ қилиш ва такомиллаштириш, маданият ва санъат муассасаларини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг самарали тизимини яратиш мақсадида тизимли ишлар олиб борилмоқда.

Шу билан бирга, ўтказилган таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, маданият ва санъат муассасалари биноларини қуриш ва таъмирлаш, уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, ҳудудларини ободонлаштириш, аҳолининг маданий эҳтиёжларини қондириш борасидаги ишлар талаб даражасида эмас.

Маданият ва санъат соҳасини янада ривожлантириш, ушбу соҳадаги муассасалар тармоғини кенгайтириш ва уларнинг моддий-техник аҳолини мустаҳкамлаш, аҳолиға сифатли хизматлар кўрсатишни ташкил этиш ҳамда давлат-хусусий шериклик учун қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги, “Ўзбеккино” Миллий агентлиги, Молия вазирлиги, Хусусийлаштирилган корхоналарға кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг маданият ва санъат соҳасида давлат-хусусий шерикликнинг қуйидаги шакллариини жорий этиш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин:

маданият ва санъат йўналишидаги нодавлат муассасаларининг биноларини қуриш учун бепул асосда доимий фойдаланишға ер участкалари ажратиш; мавжуд давлат маданият ва санъат муассасалари биноларини реконструкция қилиш ва жиҳозлаш, кейинчалик эса уларни оталиққа олиш шарти билан маданият ва санъат йўналишидаги нодавлат муассасалари объектларини қуриш учун бепул асосда ер участкаларини тақдим этиш;

концессия асосида қурилиш учун ер участкаси ёки реконструкция қилиш ва жиҳозлаш учун бино ажратиш;

бўш турган давлат мулки объектларини, шу жумладан, фаолият кўрсатмаётган давлат маданият ва санъат муассасаларининг биноларини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда “ноль” харид қийматида сотиш;

(Давоми 2-бетда). >>>

ТАҲЛИЛ

Депутат сифатида жойларда бўлганимизда, айниқса, чекка, олис туман ва қишлоқлардаги сайловчилар билан учрашувларда бир ҳолатга кўп эътибор берамиз: одамларнинг турмуш шароитида ўзгариш бўляптими?

Қарийб ҳар куни қайсидир соҳа, жабҳани яхшилаш, оқсаб турган бирор тармоқни оёққа турғизиш, қайсидир ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий аҳволини ўнглашга қаратилган Фармон ёки қарор эълон қилинади. Албатта, ушбу ҳужжатларга биноан кўламдор ишлар бошлаб юборилади.

Хўш, улар оддий одамлар ҳаётида ҳам ўзгариш ясаётганими? Юртдошларимизга нафи тегяптими?

Халқимиз аввал иқтисод, кейин сёбат, деган мақолга ҳаётий ҳақиқат деб қарайди. Дарҳақиқат, шундай: пул бўлмаса, маблаг етишмаса, ҳеч қандай яхши гоя, ташаббусни рўёбга чиқариб бўлмайди.

Шу маънода, ўтган давр мобайнида босиб ўтган йўлимизни, бу соҳада амалга оширган ишларимизни ҳолисона сарҳисоб қилар эканмиз, яқин-яқингача маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва раҳбарларига кўпгина ҳуқуқ ва ваколатлар берилгани, бироқ улар бундан ўз ҳудудидаги мавжуд муаммоларни, ечимини қутаётган масалаларни ҳал қилишда тўлақонли фойдалана олмаганини эслаймиз. Сабаби оддий: уларда ваколат ва мажбурият бор эди-ю, мустақиллик ва молиявий эркинлик тўлақонли таъминланмаганди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 13 декабрдаги “Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг молиявий эркинлигини ошириш, маҳаллий бюджетларга тушумларнинг тўлиқлигини таъминлаш бўйича солиқ ва молия органлари жавобгарлигини кучайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони, таъбир жоиз бўлса, бу борада катта инқилобий ўзгаришларга йўл очди.

Бў нималарда кўринади?

Ававало, ушбу ҳужжат ҳудудлардаги муҳим масалалар ечимига, тизимли муаммоларини бартараф этишга қаратилгани билан эътиборлидир. Унга кўра, маҳаллий бюджетларнинг даромадини кўпайтириш, орттирилган қўшимча даромадларни эса маҳаллий

давлат ҳокимияти органларининг молиявий эркинлигини кучайтириш ҳамда ҳудудларни ривожлантиришга йўналтириш кўзда тутилган эди.

Фармонда белгиланган мазкур чора-тадбирларнинг ҳаётга жорий этилиши ниҳоятда қисқа мuddатда ҳудудларнинг ресурс салоҳиятидан унумли ва самарали фойдаланиш, мавжуд имконият ва резервларни тўла рўёбга чиқариш,

Молия вазирлиги кўрсатмасига биноан ўзгаришлар киритилиб, қўшимча режалар ҳам ўрнатилар эди. Бундан ташқари, ҳосил бўлган қўшимча даромадларни республика бюджетига олиб қўйиш ҳолатлари бўлган.

Жорий йил апрель ойида Олий Мажлис депутатлари томонидан Президентимизнинг мазкур Фармонининг Қорақалпоғистон Республикасида ва Навоий вилоятида ижросини ўрганиш жараёнида дуч келинган бир ҳолат киши эътиборини тортмасдан қолмайди. Биргина Қорақалпоғистон Республикасидан 2014 йилда 10,4 миллиард сўм, 2015 йилда 13,1 миллиард сўм, 2016 йилда эса ҳосил бўлган 101,4 миллиард сўмлик

рухсат олиб бажарилаётган ишлар бугун ўша ҳудуднинг ўзида муваффақиятли амалга оширилмокда, марказдан нима бўйруқ келаркан, деб ўтирмай, ҳудудлардагиларнинг ўзи марказга елкадош бўлиб, муаммоларни ҳал этишяпти.

Юқорида таъкидлаганимиз биргина Андижон вилоятининг ярим йил якуни билан маҳаллий бюджетида қолдирилган 140,4 миллиард сўмлик қўшимча даромадга вилоятнинг кўпдан-кўп муаммолари ҳал этилади. Ижтимоий-иқтисодий аҳволи янада яхшиланиб, аҳолининг фаровонлигига шароит яратади.

Бугун давлатимиз раҳбари ғоялари асосида ҳудудларни жа-

Мен уч қақриқ Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати сифатида жойларда аҳоли, сайловчилар, тадбиркорлар ва маҳаллий раҳбарлар билан учрашувларда ушбу ҳолатларга кўп бора гувоҳ бўлганман. Айнан шу муаммолар кўпгина ташаббусларни бўғар, раҳбар ходимларнинг янада жўшқин ва шижоат билан ишга киришишига салбий таъсир кўрсатар эди. Афсуски, муаммоларни ҳал этишининг ҳуқуқий асослари яратилмаганди.

Мана, бугунга келиб маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва улар раҳбарларига ҳалол ишлаши учун Президентимиз ташаббуси билан ҳам иқтисодий, ҳам ижтимоий шароитлар — уй-жой, хизмат машинаси, ойлик маош ва рағбатлар, умуман, кўп қулайликлар муҳайё қилинди. Энди давлат раҳбари илгари сураётган долзарб масалалар ва устувор вазифаларни муваффақиятли ҳал қилиш ва амалга оширишда шижоат, юксак масъулият билан ташаббус кўрсатиб ишлаш, фидойи бўлиш талаб этилади, ҳолос.

Бундай эътиборга муносиб фидойилик халқимизнинг турмушининг фаровон қилишда, ҳар бир ҳудудни обод қўйишга айлантиришда муҳим аҳамият касб этади.

Ўз навбатида, биз парламент аъзолари ҳудудларни жадал ва комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш борасида қабул қилинган Фармон ва қарорларни депутатлик ва парламент назорати институтидан кенг фойдаланган ҳолда ижросини таъминлашда фаол иштирок этишимиз, улар асосида тегишли қонунларни тақомиллаштиришда ташаббус кўрсатишимиз лозим. Маҳаллий давлат органларининг ўзида қолдирилаётган қўшимча даромадларнинг ўрнатилган тартибда, тийин-тийингича қўзланган мақсадларга ва самарали сарфланиши устидан назоратни кучайтиришимиз эса ислохотларнинг тўлақонли адо этилишида муҳим омил бўлади.

Абдурашид ТЎХТАБЕВ, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати.

Санъат



Мақом анжумани дўстлик ришталарини мустаҳкамлайди

Жорий йилнинг 6 — 10 сентябрь кунлари Шаҳрисабзда мақом санъати бўйича халқаро тадбир ўтказилади. Президентимизнинг “Халқаро мақом санъати анжуманини ўтказиш тўғрисида”ги қарорига биноан уюштирилаётган мазкур фестивалдан кўзланган

мақсад ўзбек мақом санъатини халқаро миқёсда тарғиб этишидир. Ўзбек миллий мақом санъати марказида халқаро анжуманда иштирок этиш истагини билдирган хорижий давлатларнинг яқин мақом оҳанглари билан анжуманининг ижод намуналари

Саралаш комиссияси томонидан кўриб чиқилмокда. Комиссия раиси, Ўзбекистон Республикаси халқ ҳофиз Махмуджон Тожибоев, аъзолар Ўзбекистон Республикаси халқ ҳофизи Хасан Ражабий, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист Тоир Қўзиев, Ўзбекистон давлат

консерваторияси катта ўқитувчиси Ўткир Қодиров www.maqomforum.uz сайтига юборилган асарлар билан танишяпти. Маълум бўлишича, ҳозирги кунга қадар 60 дан ортиқ хорижий давлатлар вакиллари анжуманда қатнашиш ниятини билдирган. Анжуман доирасида “Мақом

музыка санъати ва унинг жаҳон цивилизациясида тутган ўрни” мавзусида конференция ўтказилиши ҳам режалаштирилган. Унда 18 давлатдан муқассаҳон ҳамда мақомшунос олимлар, таълиқли санъаткорлар, етук муҳассасислар ва фарҳирий меҳмонлар иштирок этади.

Рашидаҳон ҲАСАНОВА.



Айтиш керакки, анжуман маҳали давлат раҳбарининг рўпарасида, юзма-юз ўтирган ҳолда, биз, оддий аҳли — мажлис қатнашчилари, очиги, бу ҳаққоний сўзлардан жуда ҳам ноқулай ҳолатга тушган эдик. Бизга қаратилган эътибор, ғамхўрлик, қўллаб-қувватлов, ҳурмат, самимий муносабат “гангитиб” қўйди. Шундай пайтлар бошимиздан ўтдики, дардимиз ичимизга тикилди, ўзимизни бир қадар кераксиздек ҳис этиб қолдик. Гарчанд доимо макталас-ка, амалига келганда... Энди эса, давлатимиз халқ хизматига кирди, қилбларимизга қулоқ тушди, одамлар идораларга эмас, идоралар одамлар ҳузурига келди. Бахтни ташбех сифатида тушунмай, амал тарзида англай бошладик. “Одамлар бугун бахтли яшаш керак”. Эрта-индин ҳаёли ширин, лексин барибир у хаёл.

Давлатимиз раҳбари бир гал, элдошларимиз билан учрашувни яқунлар экан, “бу маъруза эмас, менинг азовим, изтиробларим” деган иборани ишлатган эди. Ижодкор зёлилар ҳузурда қилинган тарихий маъруза ҳам айнан шу тахлит рўёбга келган. Унда миллат дарди, Ватан, халқ қайғуси, ёш авлод тақдир билан туну кун уриб турган бешдор, беҳаловат қалбнинг уй ва изтироблари муҳассамини топган.

Адабиёт атомдан кучли... Давлат раҳбари мазкур ўлмас иборани ҳам, унинг муаллифини ҳам такрор ва такрор тилга олганининг чукур сабаби, теран моҳияти бор.

Етимиш йил тегишли биноси, муқим манзилу маконига эга бўлмаган, кўча лаҳжасида айтганда, “беватан” бўлган Ёзувчилар уюшмасига Ватанимизнинг кўркам боғи бағрида кўзни қамаштиргувчи бино куриб битказилди. Адиблар хибобни барпо этилди. Қалам аҳли учун янги уй-жойлар қурилмокда, она диёримизнинг жаннатномдан гўшаларида илҳом руҳияти — юксак ижодхоналар барпо этилаётди. Олий адабиёт курслари баланд мақомда қайта тикланди. Ёш ижодкорлар, кекса адибларга кўрсатилган амалий эътибор, марҳум адибларнинг номи-хотираларига эҳтиром, оилалари ҳолидан хабар олиш, уюшманинг вилоят бўлимлари моддий-техника базасини янада яхшилашдан тортиб, давлат миқёсида рағбатлантиришгача — ҳамма моддий-маъшый шарт-шароитлар бекаму кўст яратиб берилляпти. Мамлакатимизнинг барча минтақасида азиз устозларимиз номи билан ижод мактаблари очилгани — чинакамига қиёси йўқ маънавий-маърифий ҳодисага айланди.

Давлатимиз раҳбари, қандай йиғилиш ё анжуман бўлмасин — соҳаси ёки йўналишдан қатъи назар, ўзбек адабиёти ва адибларини бирон-бир баҳонаи сабаб билан тилга олиб ўтади. Албатта, бир йўллов баҳонасида адабиёт ва адибларимизга нисбатан ҳурмат-эҳтиромини ҳар гал ҳаммамизга эслатиб қўяди. Гўёки “Уйғониш замонларинг келди, қачон уйғонасизлар?!” дея сураётгандек туюлади бизга.

Тан олишимиз керакки, уйғонмоғимиз қийин кечяпти. Айни пайтда мақсаду мuddаоларимизни аниқлаштириб олдик, бироқ “замонамиз қаҳрамони”ни шеъру дostonларда, қиссаю романларда акс эттиришда ҳаракатимиз суст. Лекин айни пайтда, буюк аждодларимиз хусусида шоиру адибларимиз бир неча асарларни якунига етказаяётгани кишини қувонтиради. Шу билан бирга ёш истеъод соҳибларини қўллаб-қувватлаш, ўзаро амалий муносабатлар жараёни фаоллашгани ҳам айни ҳақиқат. Халқ билан бирга, ёнида, ташвишу қувончларига шериқ бўлиш мақсадида ижодкорларимизга барча имкониятни яратишга интиляпмиз. “Обод қишлоқ”, “Обод маҳалла” дастурлари, умуман, мамлакатимизнинг ҳам иқтисодий, ҳам ижтимоий тараққиётига қаратилган ислохотларида қалам кўтариб катта завқу шавқ билан иштирок этяпмиз.

Ўтган йилнинг 23 декабрь куни Миллий боғ ҳудудидаги Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг янги биноси билан танишув чоғида давлатимиз раҳбари ёзувчи-шоирлар билан суҳбатлашаркан, бир йилгина олдин тирик юрган устозларимиз номини соғинч ва армон билан ёдга олган эди. “Менинг ҳам юрагимда армоним бор”, деганди Президент. Сўнг ёш ижодкорларга қийин ва қалтис замонларда халқ дардини қуйлай олган матонатли устозлар ҳаёти, бадиият мактабидан ҳаммаша ибрат олмок лозимлигини қайта-қайта уқитирган эди.

Ўшанда устозимиз Абдулла Ориповнинг

қуйидаги надоматли сатрлари юрагимиздан туртаниб оққандай бўлди:

...Бир вақтлар илҳомнинг ўтли тигида
Фалакни кўзларди менинг ҳам созим,
Лекин икки дарё оралигида
Қолиб кетди менинг ўшал овозим.
Энди овозимиз синиб кетмайди. У насиб этса тўрт қитъа маъволарида мағрур жаранг-ляжак. Қалб ҳароратидан яратилган адабиётимиз давлатимиз ҳимоясида. Табиатда бўл-бул нақадар ҳимояга муҳтож бўлса, жамиятда қалам аҳли шу қадар эътиборга, ғамхўрликка, меҳр-эътиборга муҳтож. Қарангки, бир тангана топиш жуда мушкул, ҳисоб-китоби бўл-дунёда, Президентимиз раҳнамолигида миллиард-

Мана, беш мингта китоб топширдик деяпсиз. Китобнинг бўлиши яхши, албатта. Бугунги ёшларга “Ўзбегим”, ё “Инсон ўзинг” сингари шеърларнинг ёзилиш тарихини ким айтиб, тушунтириб беради?..

Бир олдин сўнг Зоминда ёш ижодкорларнинг республика семинар-кенгаши бошланиб кетди. Мамлакатимизнинг барча шаҳару қишлоқларидан келган ёш ижодкорларнинг севинчларига қараб ҳавасингиз минг маротаба ортади. Биз ёш ижодкорларга Президентимизнинг сузларини, йўл-йўриқларини етказдик. Булар бир-икки йил олдинги ёшлар эмас, мутлақо янги давру замонларнинг янгича фикр-лайдиган баркамол фарзандлари. Орзу ҳавас-

ёш авлодга минтақамизнинг фаровон келажаги йўлида битмас-туганмас маънавий куч-қувват, ғайрат-шижоат бахш этмокда.

Беназир адиб Абдулла Қаҳҳор бундан роп-на-рос 53 йил муқаддам “Адабиёт атомдан кучли” иқтибоси акс этган “Ёшлар билан суҳбат”идан ҳозир ҳам аҳамиятини йўқотмаган бир парчани мушоҳадаларимиз ниҳосисидан аввал келтириб ўтмоқчи жоиз топдик.

“Ҳозирги адабий ёшларимиз шубҳасиз, ўзига ҳам, адабиётга ҳам гувор қўндирмайдиган ҳақиқий замона ёшларидир. Биз бир-биримизга катта меҳр қўйишимиз, бир-биримизни ҳар томонлама бойитишимиз, бир-биримизни балоказодан, ёмон кўздан сақлашимиз зарур, эртаги буюк адабиёт биносининг ҳақиқий мезморлари бўлишимиз керак. Шундоқ бўлмас, бунга бутун адабий жамоатчилик, бутун халқ катта ишонч билан кўз тутаятибди...”

Саратоннинг жиндак мулоийм тортган кунларида диёримиз жаҳоншумул адабий анжуман “Ўзбек мумтоз ва замонавий адабиётини халқаро миқёсда ўрганиш ва тарғиб қилишнинг долзарб масалалари” мавзусидаги халқаро конференция иштирокчиларини қутиб олиш тарадудини кўрмокда. Жаҳоннинг 25 та давлатидан келадиган шоиру олимлар, мутаржим ва адабиётшунослар билан дийдорлашувларнинг гашти, масъулияти ўзгача — файзли ва умидбахш. Бинобарин, сўлим хибобимиз, уюшмамизнинг кўркам биноси адабий суҳбатлар дўстлар дийдоридан янада чароғон бўлишига асло шубҳа йўқ.

Она юртим, сен бир йилда
топган наъшу намолар
Минг йилда ҳам бўлмаган, дер
юздан ошган момолар.
Аслида-ку сел дун келса,
сен симирган халқдирсан,
Тоғ келса гар мардонлар
сен емйрган халқдирсан.
Эй ёронлар, халқни қўринг,
қўринг орзу-ҳавасин,
Биз ёзмасак ким ёзгайдир
бу кунларнинг “Хамса”син?!.
Термизийлар айвонидан
боқсам агар оламга —
Ҳам отамга ўхшайдирсан,
ҳам ўхшайсан онамга.
Ўз халқини рози қилмоқ
матонатли мард иши,
Халқ иши — давлат ишидир,
Давлат иши — халқ иши.

Сирожиiddин САЙИИД,
Ўзбекистон халқ шоири.

МОЛИЯ МУАССАСАЛАРИДА

Ислохотларнинг ҳозирги янги босқичида иқтисодиётнинг бошқа тармоқларида бўлгани каби молия-банк тизимида ҳам сифат ўзгаришлари кузатишмоқда. Чунки амалиётга банк хизматлари кўрсатишнинг бозор механизмлари жорий этилган. Натижада хизмат турлари кенгайиши баробарида, тadbиркорлар ва аҳоли учун молиявий очиқликка эришилаётир. Бироқ бу жараёнда миқозларга хизмат кўрсатиш маданияти ва уларнинг банк тизимида бўлган ишончини янада оширишда бир қатор камчиликлар борлиги ҳам кўзга ташланмоқда.

Президентимизнинг 2018 йил 23 мартдаги “Банк хизматлари оммабоплигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори тизимдаги шу каби масалаларни бартараф этиш имконини берди. Гап шундаки, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳамда тижорат банклари таркибий тузилмасида Банк хизматлари истеъмолчиларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш шўъбаси ташкил этилди.

Шу билан бирга, Марказий банк томонидан банк хизматлари истеъмолчиларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш мақсадида миқозлар билан муносабатларни амалга оширишда тижорат банкларининг фаолиятига қўйиладиган минимал талаблар белгилаб берилган “Банк хизматлари истеъмолчилари билан ўзаро муносабатларни амалга оширишда тижорат банкларининг фаолиятига қўйиладиган минимал талаблар тўғрисида Низом” тасдиқланди.

Унда истеъмолчиға ахборот беришнинг минимал талаблари, банкнинг расмий веб-сайтида ахборот тарқатиш хусусиятлари, банк фаолиятиға оид реклама тусидаги ахборотлар бериш, истеъмолчиға тақдим қилинадиған ахборотнинг минимал ҳажми, банк томонидан истеъмолчи билан муносабатларни амалга оширишнинг асосий қоидалари, истеъмолчиға хизмат кўрсатиш бўйича минимал

талаблар, қарздорлик юзаға келганда ўзаро муносабатлар, истеъмолчиларнинг муқожаатларини кўриб чиқишға қўйиладиган талаблар муфассал баён қилин-



ган. Жумладан, Низомға биноан, банк томонидан кўрсатиладиган хизматлар тўғрисида маълумотлар истеъмолчиға ошқор этилиши лозимлиги, банкнинг расмий веб-сайтида сайтинг тузилишини баён этувчи, унда веб-сайтининг ҳар бир саҳифаси жойлашган жойни қулай

QISHLOQQURILISHBANK

шаклда аниқлаш имконини берувчи бўлим бўлиши кераклиги кўрсатиб ўтилган.

Бундан ташқари, реклама тусидаги ахборот истеъмолчининг ишончини суиистеъмол қилмайдиган тарзда ва (ёки) унинг тажрибаси ҳамда билими этишмаслигидан фойдаланишни кўзламайдиклашда кўмаклашиш, молиявий очиқлик даражасини ошириш ва банк хизматлари истеъмолчиларининг саводхонлигини кўтаришға алоҳида эътибор қаратилаётгани диққатға сазовор.

Қарор ижросини таъминлаш мақсадида “Қишлоқ қурилиш банк”нинг Тошкент вилояти минтақавий филиалининг фаолияти намунавий филиал сифатида ташкил этилиб, филиал “фронт-офис” ва “бэк-офис” худудларига ажратилди. Банкнинг қолган филиаллари фаолиятини ҳам намунавий филиалға мувофиқлаштириш бўйича ишлар

жадал олиб боришмоқда.

Бугун банкнинг барча филиалида аҳоли ҳамда тadbиркорлар учун дастлабки рухсатларсиз ва шахсни тасдиқловчи ҳужжатларсиз хизмат кўрсатиш ҳудудиға тўсқинликсиз кириш учун шaroитлар яратилган. “Миқозға хизмат” ахборот марказлари фаолияти йўлга қўйилгани ана шу саъй-ҳаракатлар самарасидир. Ушбу марказ ходимлари банк биносига кириб келган миқозларни кутиб олиб, уларни қизқитқирган банк хизматлари бўйича дастлабки маълумотларни беради-да, сўнгра уларни тегишли мутахассисларға йўналтиради. Бу аҳолининг вақтини тежаш, ишини тез битириши, пировардида банкка ишончи орттишда муҳим омил бўлмоқда.

Қисқаси, банк хизматлари истеъмолчиларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилишни таъминлаш механизмларини такомиллаштириш ҳамда молиявий очиқлик даражасини ошириш чакана банк хизматлари бозорининг янада ривожланишиға, банк миқозлари билан ҳамкорлик муносабатлари мустаҳкамланишиға пухта замин яратади.

Банк ахборот хизмати.

Реклама ўрнида

Ёшларни назоратсиз қолдиришнинг оқибати оғир бўлади



Очиги, бизға тақдим этилган суд ҳукмлари билан танишиш асосида кўнглимизда ҳаётининг навқирон палласида жиноят йўлиға кирган бундай ёшлар тақдирига ачиниш пайдо бўлди. Чунки умрининг гуллаган даврида жиноят қилиб, аввало, ота-онаси, маҳалла-қўй, тенгдошлари орасида юзи шувут, қадди дол бўлиш йиғит кишиға муносиб бўлмаган ҳолатдир.

Тўғри йўл қолиб, ўғрилиқ сўқмоғиға қадам босган Шариф ва Нодир (исмлари ўзгартирилган) ҳам жорий йилнинг февраль ойида жиноят ишлари бўйича Сирдарё тумани судида бўлиб ўтган очиқ суд мажлисида ана шундай ҳолға тушишди. Қилмишлари босқинчилик деб квалификация қилинган ушбу ёшлар аввал судланмаган. Бири 1991, иккинчиси эса 1993 йилда туғилган. Кўриниб турибдики, иккови ҳам аллақачон оқу қорани танийдиган, етарли фикр-мулоҳаза юритиш ёшида. Қолаверса, Шариф Тошкентдаги олий ўқув юртларидан бирининг тўртинчи босқин талабаси, ҳадемай, жамиятға керакли мутахассис дипломини олиш арафасида эди. Суд уларнинг муқаддам жиноят қилмаганини ва қилмишларидан пушаймон эканлигини инобатға олди. Айни чоғда белгиланган жазо муддатини турли йиллардаги амнистия актлари асосида қисқартириш бўйича ҳукм чиқарилди. Энди гап уларнинг қалб ва виждонлари қандай ҳукм чиқаришида. Ва, албатта, ёшлиғида бун-

дай жиноят кўчасиға кириб қолганларни тўғри йўлга солишда ижтимоий-ҳуқуқий кўмак баробарида, маънавий чораларни ҳам қўчайтириш айна заруратдир. Буни ҳар бир оила ва маҳаллада, умуман, бутун жамиятимизда кенг қарор топтириш жуда муҳим. Шу маънода, ота-она назорати механизмини яна жонлантириш керакка ўхшайди.

Ибратли воқеа:

Ширин шахрилиқ фaҳрий ўқитувчи Аҳмад РАҲМОНҚУЛОВ шундай эслайди: “Бола эдим, қўшимизнинг кўча томонға осилиб ўсган ўрикларидан тўкилган меваларни дўппимға солиб, отамға олиб келдим. Шунда у киши: “Бунни қаердан олдинг?” деб сўради. Мени эшитган, “Тезда бориб, дарвозаси олдиға тўкиб кел, бу ўрик бировнинг ҳақи, энг ёмони, сўрамай олиш ўғрилиқ билан тенг. Бу катта гуноҳ. Қолаверса, бундай иш келгусида сени бировнинг ҳақиға хиёнат қилишға ўргатиб қўйиши мумкин”, деб даққи берди. Ўрикни айтилган жойға қўйиб келдим. Ўқитувчилик фаолиятим давомида ушбу воқеадан тарбия мақсадида кўп фойдаландим. Энди набираларимға айтиб, уларни-да тўғри йўлга солиб келяпман. Бу билан демоқчиманки, ёшларни жиноятчиликдан сақлашда ота-онанинг ўрни беқийёс. Гудаклигидан то ўз йўлини топиб олгунлиға қадар, ҳатто ундан кейин ҳам фарзандларни назорат қилиш, ноҳўя ишға қўл урса, панд-насихат бериш, энг самарали йўл эканиға ишончим қомил”.

Аҳмадали ШЕРНАЗАРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Таълимда миллий рейтинг индикаторлари

Унинг афзалликлари нимада?

Бугун ҳар бир ота-онани: “Фарзандим қайси даражадаги таълим муассасасиға ҳужжат топширдию, нуфузи қандай даргоҳнинг талабаси бўлади? Таълим сифати унинг етук кадр бўлиб етишишини қафолатлай оладими?” деган саволлар ўйлантираётган бўлса, ажабмас.

Ислохот

Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси томонидан узлуқсиз таълимда рейтинг тизимининг жорий қилиниши бу борадаги саволларға аниқ ва ҳолисона жавоб олишда муҳим аҳамиятға эға. Зеро, ушбу рейтинг натижалари миллий ва халқаро экспертларнинг таҳлилиға асосланган, таълим жараёни ҳақида объектив маълумотларни ўсида акс эттирган.

Узлуқсиз таълим тизимиға миллий рейтинг индикаторларининг татбиқ қилиниши давлатимиз томонидан таълим сифатини ошириш мақсадида белгилаб берилган вазифалар ижросини таъминлашда асқатмоқда.

Мамлакатимизда шу кунға қадар таълим хизматлари кўрсатиш соҳасида нодавлат сектор иштироки кам бўлган ва бу олий таълим олиш иставидаги ёшларнинг танловини чегаралаган. Сўнгги пайтларда юз бераётган ўзгаришлар таълим тизимини ҳам четлаб ўтаётгани йўқ. Хусусий боғчаю мактаблар, институт ва университетлар очилмоқда. Ҳозирги кунда 429 та нодавлат мактабгача таълим муассасаси, 64 та нодавлат мактаб, 2 та нодавлат олий ўқув юрти фаолият юритаётган бўлса, улар сони мунтазам ўсиб боришини кутиш мумкин. Ўқув-тарбия масканларининг ортиси улар ўртасида рақобат муҳитини юзаға келтириш билан бирга, талабдорларға танлов имкониятини ҳам яратмоқда.

Соғлом рақобат кучаяди

Таълимнинг сифатли ташкил этилишидан давлат ҳам, тadbиркор ёки муассаса раҳбари ҳам, ота-оналар, педагоглар, ўқувчи ёки талабалар ҳам бирдек манфаатдор. Рейтинг тизимининг жорий этилиши уларнинг айнаи шу мақсадларига тўла мос келади. Жумладан, ушбу тизим оқоли ҳар қандай иш берувчи кадрлар тайёрловчи олий таълим муассасалари ҳақида

шаффоф маълумотға эға бўлади. Бу уларға ўзлари истаган салоҳиятға эға кадрларға бюрутмалар портфелини шакллантиришда қулай имконият яратади.

Таълим муассасалари ўртасида рақобатнинг кучайгани таълим сифатининг ошишини таъминлайди. Бу эса давлат учун ҳам айни муддао. Таҳлиллар таълимға йўналтирилган маблағларнинг мақсадли сарфланишиға, таълим сиёсатиға оид қарорларнинг объектив ва ўз вақтида қабул қилинишиға хизмат қилади. Бундан ташқари, ўқув даргоҳларининг халқаро даражада эътироф этилишидан хорижий таълим олувчилар оқимининг кўпайиши давлат имиджининг орттишиға олиб келади.

Рейтинг муассаса раҳбари ёки таъсисчиси учун текин реклама вазифасини ўтайди. Шунингдек, келгусида муассаса фаолиятини ривожлантириш, педагогик жамоани кучайтириш, таълимға инновацияларни жорий этиш ва бошқа масалалар юзасида стратегик қарорлар қабул қилишға хизмат қилади. Ушбу тизим васийлик кенгашлари учун ҳам аҳамиятли. Рейтинг таълим муассасаси фаолиятида аниқланган камчиликларни бартараф қилиш бўйича зарур тавсиялар ва тақлифлар ишлаб чиқиш, ўқув жараёнини самарали ташкил этиш ва таълим сифатини оширишға қаратилган “Йўл харитаси” тузишда қўл келади. Рейтинг натижалари ўқитувчи-педагогларни рағбатлантиришға ёки ўз устида янада ишлаши лозимлиги тўғрисида ҳулосаға келишиға асос бўлади.

Кўрсаткичлар кўп нарсани англатади

Бугунги кунда инспекция томонидан халқаро тажриба ўрганилган ҳолда олий таълим муассасалари миллий рейтинг индикаторлари ишлаб чиқилди. Индикаторлар рўйхати “Times Higher Education”, “QS World University

Rankings”, “JoongAng ilbo”, “U-Multirank” каби халқаро агентликларнинг амалдаги рейтинг индикаторлари талабларига имкон қадар мослаштирилди.

— Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларининг янги такомиллаштирилган рейтинг тизими 4 та баҳолаш мезонига жамланган 23 та индикаторни ўз ичига олади, — дейди Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлиғи ўринбосари Усмон Шарифқўжаев. — Улар орасиға ўқув даргоҳининг PhD ва DSc илмий даражасиға (фан доктори ёки фан номзоди) эға профессор-ўқитувчилар улуши, халқаро кўрсаткичларға кўра профессор-ўқитувчиларнинг ишлариға иқтибослик, халқаро журналлардаги илмий мақолалар, хорижий илмий тadbикот марказлари грантлари ва хорижий илмий фондлари бюрутмалари ҳисобига олинган маблағлар, илмий ишлар натижалари (диссертация ҳимояси), профессор-ўқитувчиларнинг дарсликлар ва ўқув қўланмалар яратиши, таълим бериш сифати даражаси (талабалардан ўтказилган сўровнома натижалари асосида), битирувчиларнинг мутахассислиги бўйича иш билан таъминланиши, хорижий ўқитувчилар ва талабалар улуши, жамоанинг халқаро алмашинув дастурларида иштироки каби баҳолаш мезонлари киритилган.

Ушбу индикаторлар, асосан, таълим муассасасининг илмий тadbқиқот ва илмий-услубий ишларини намоён қиладиган кўрсаткичлар бўлиб, улар фан, таълим ва ишлаб чиқаришнинг бири-бири билан интеграциялашувидан пайдо бўлади ва ривожланади.

Амалиётға жорий қилинаётган индикаторлар орасида халқаро рейтинг агентликлари томонидан юқори даражада эътироф этиладиган энг муҳим кўрсаткич сифатида илмий тadbқиқот ишларидан топилган маблағларни қайд этиш мумкин. У маҳаллий университетларимизнинг дунё университетлари рейтинги рўйхатиға чиқишиға хизмат қилувчи бош индикатордир. Бунинг сабаби бир нафар профессор-ўқитувчиға тўғри келадиган ўртача маблаг учун халқаро рейтингда жуда юқори балл берилади ва бошқа барча индикаторлар унинг негизида деб қаралади.

Ўзбекистонда қайси олий ўқув юрти энг юқори баллга эға?

Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 7 мартдаги қўшма қарори билан тасдиқланган “Олий таълим муассасалари рейтингини аниқлаш тартиби тўғрисида Низом”ға мувофиқ, олий таълим муассасалари фаолиятини белгилловчи рейтинг индикаторлари амалиётға жорий қилинди. 57 та олий таълим муассасасининг 2017 йилдаги фаолияти мутахассис-экспертлар томонидан таҳлилий ўрганилди ва 2018 йил 1 январь ҳолати бўйича илк маротаба юртимиздаги олий таълим муассасалари рейтингини аниқланди.

Натижаларға кўра, Мирзо Улугбек номдаги Ўзбекистон Миллий университети энг юқори баллга лойиқ топилган бўлса, Қўқон давлат педагогика институтини энг паст кўрсаткични қайд этган.

Бундан ташқари, юртимиз таълим муассасаларида кадрлар тайёрлаш сифатининг умумий ҳолати бўйича мониторинг олиб бориш мақсадида узлуқсиз таълимнинг қўйи бўғинлари учун ҳам рейтинг индикаторлари ишлаб чиқилди. Ҳозирги кунда инспекция томонидан ушбу индикаторлари тажриба-синов тариқасида амалиётға жорий қилиш учун тегишли вазирлик ва идоралар билан қўшма қарорлар имзоланган. Жумладан, мактабларда 11, академик лицейлар ва касбхунар коллежларида 8 тадан рейтинг индикаторлари янги ўқув йилидан амалиётға татбиқ этилиши кутиляпти. Мактабгача таълим муассасаларида таълим сифати мониторингини олиб бориш ва рейтингини аниқлаш тартиби тўғрисида Низом лойиҳаси ишлаб чиқилган, ушбу тизимға 12 та индикатор жорий қилиниши режалаштирилган.

Бу борадаги барча ишлардан қўзланган асосий мақсад нафақат таълим муассасалари салоҳиятиға ҳолисона баҳо бериш, балки тизимни замон талабларига янада мослаш, уни такомиллаштиришда кенг жамоатчилик фикри ҳамда хорижий илғор тажрибалардан самарали фойдаланишдир.

Дилшод КАРИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

халқаро рейтинг агентлиги

2018 йил июль ойида

Ўзбекистон Республикаси

акциядорлик тижорат Халқ банкининг

халқаро кредит рейтингини

B+ / B

«БАРҚАРОР»

даражасиғача оширди.

Хизматлар лицензияланган.

Халқ сўзи

Народное слово

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатға олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 845. 77 032 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:

Девонхона (0-371) 233-52-55;

Котибият (0-371) 233-10-28; Ўзлон (0-371) 232-11-15.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юқаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.

ISSN 2030-6788

4 772030 678004

Тахририятта келган қўлёзмалар тақрир қилинмайди ва муаллифға қайтарилмайди.

Газетанинг сўказиб берилиши учун олувчан расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета тахририятта марказида термиди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: (0-371) 233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:

100000,

Тошкент шаҳри,

Матбуотчилик кўчаси, 32-йў.

Навбатчи муҳаррир — У. Файзиёва.

Навбатчи — Д. Улугмуродов.

Мусахҳас — Ш. Машраббеов.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:

“Буюк Турон” кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 01.00 Топширилди — 02.20 1 2 3 4 5 6